

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Нурота туман Ихтисослаштирилган  
санъат мактаб интернати  
Харид комиссиясининг раиси**

А.Якубов  
«09» сенюй 2022 йил



**НУРОТА ТУМАН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН САНЬАТ МАКТАБ  
ИНТЕРНАТИГА ЖАЛЮЗИ ПАРДАЛАР ЎРНАТИШ УЧУН**

## ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Нурота туман - 2022 йил

## Танлов хужжатларининг мазмуни:

## **I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

### **II. Техник қисм**

### **III. Нархлар қисми**

## **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

### **1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1.Танлов предмети: Нурота туман Ихтисослаштирилган санъат мактаб интернатига жалюзи пардалар ўрнатиш.

1.2.Танловнинг юкори қиймати – 55 000 000 (Эллик беш миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар кабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3.Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмida илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича Голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати: Голиб бўлган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5.Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

### **2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. Нурота туман ихтисослаштирилган санъат мактаб интернати (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили : Нурота туман А.Яссавий кўча 124-үй

2.2.Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов Нурота туман Халқ Таълими Бўлимни “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1.Танлов мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча Юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар кўйилади:  
танлов предмети ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- Иш тажрибаси(Шу соҳада етарли иш тажрибаси)
- Коррупцияга карши талаблар 684-Конун 13-моддасига риоя этилиши шарт
- Моддий-техника базаси
- Бахтсиз ходисалар булган вазиятларда ишчи ходимларнинг хаёти сугурталанганилиги
- Техника хафсизлиги коидаларига риоя килиш талаблари хамда йурикномалари
- Бажарилган ишларга бериладиган кафолат муддати
- Солик ва бошка мажбурий тўловлардан қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома
- Охириги 3 йиллик баланс
- Инсофизиз ижрочилар ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида маълумотнома
- Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома

3.3.Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) нибажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4.Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш(ажралиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; моллики мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

### **4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1.Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:  
Техник кисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиганиш ва хизматлар кўрсатилиши керак;  
Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилен бўлиши керак.  
Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва мухри билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варогини муҳрлаб тасдиқлаган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3. Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича куйидаги таклифлар:  
Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова килинади);

4.4. Танлов иштирокчиси:

- факат битти таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳакиқийлиги ва маълумотларнинг ҳакконийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга кадар ўз таклифларини кайтараб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукукига эга.

## 5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни кабул килиш муддатини барча иштирокчилар учун таълукли ҳолда эълон килинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши карори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги карор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳакиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирочи деб топилгандан сўнг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7.БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан уч кун олдин карор кабул килишга ҳакли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камидан ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, agar эълонда кўрсатилаган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтқазиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтқазиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳакли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, agar мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси такливларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳакли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш тўғрисидаги тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.